



Ўзбекистон ва Қозғистон Президентлари телефон орқали мулоқот қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 24 июнь кунни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон – Қозғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш муҳим эканини таъкидладилар.



Давлатимиз раҳбари Андижон шахрининг «Туркий дунёнинг маданият пойтахти» деб эълон қилиниши доирасида ўтказилаётган халқаро тадбирлар иштирокчиларига табрик йўллади.

Табрик матни билан қуйидаги QR код орқали батафсил танишинг:



Тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири билим ва тажриба алмашишдир. Унга кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 23-26 июнь кунлари Қирғизистон касаба уюшмалари вакилларини қабул қилиб, улар учун малака ошириш ўқувларини ташкил этди. Мазкур ташаббус икки томон ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумининг амалий ифодаси бўлиб, асосий мақсади замонавий тажрибаларни ўрганиш, касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишдан иборатдир.

– Икки халқнинг урф-одати ва маданиятлари бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш. Бу касаба уюшмалари тизимида ҳам жуда кўл келади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси Мурожаатлар билан ишлаш шўъбаси мудири Гўзала Рзаева. – Чунки меҳнат муносабатлари марказида ишчи-ходим турар экан, у билан ишлашда Ўзбекистонда меҳнат соҳасида муваффақият келтирган тажриба қардош қирғиз юртида ҳам яхши натижа бериши шубҳасиз. Шу боис бугунги семинарда инспекциямиз фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш тизими, судларда меҳнат инспекторларининг иштироки каби жараёнлар ҳақида гапириб бердик. Онлайн тизим билан таништирдик. Қирғизис-

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

● Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan

● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ИЖОД АҲЛИНИ БИРЛАШТИРГАН МУЛОҚОТ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни арафасида ижодкор зиёлилар билан мулоқот ўтказиш анъанага айланган. Бу йилги маънавий-маърифий тадбир ҳам қизиқарли, мулоҳазаларга бой ўтди. Унда фахрийлар, устоз журналистлар, ёзувчи-шоирлар ва бошқалар иштирок этиб, бугунги журналистика, таҳририятлар олдида турган долзарб вазифалар, миллий контент яратиш ҳамда ечимини кутиб турган масалалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Хусусан, Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолияти учун яратилаётган имкониятлар, сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда журналистларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, касаба уюшмалари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Устоз журналистлар эса юртимизда соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдор эканликларини, бугунги мурраккаб ахборот маконида бу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши катта аҳамиятга эгалигини эътироф этдилар. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг оммавий ахборот воситалари ходимлари, соҳа фахрийлари ва ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш борасида

амалга ошираётган ишлари, жумладан, касаба уюшмалари муассислигидаги нашрлар фаолиятини ривожлантириш, қалам аҳлини рағбатлантириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган ташаббусларини юқори баҳоладилар.

Мулоқотда миллий матбуот олдида турган долзарб вазифалар ҳақида ҳам атрофлича фикр алмашилди. Хусусан, босма нашрларнинг бугунги аҳволи, муассисларнинг уларга муносабати, газета ва журналларни тарқатиш тизими, таҳририятларнинг иқтисодий барқарорлик муҳити каби масалалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда босма нашрлар ва рақамли платформалар ўртасида рақобат эмас, балки уйғунлик бўлиши лозим. Газета ва журналлар миллий хотирани сақлаш, тарихий воқеаларни ҳужжатлаштириш ва келажак авлодларга етказишда муҳим манба бўлиб хиз-

мат қилса, интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар тезкор ахборот тарқатиш имконини бермоқда.

Иштирокчилар замонавий таҳририятлар фаолияти ҳақида ҳам фикр билдириб, конвергент таҳририятлар модели тобора оммалашиб бораётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, журналистдан нафақат мақола ёзиш, балки фото ва видео контент тайёрлаш, материални рақамли платформаларга жойлаштириш каби кўп қиррали вазифаларни ҳам бажариши талаб этилмоқда.

Ижодкорлар эътироф этганидек, бу борада «Ishonch» газетаси таҳририяти бугун ўзига хос тажриба тўплаган. «Vatan» журнали эса мамлакатимизда амалга оширилаётган

ислохотлар, миллий ғоя ва маънавий қадриятларни тарғиб қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу кунги журналистика тарихи ва миллий медиа меросини асраб-авайлаш масалалари ҳам муҳокамалар марказида бўлди. Устозлар мустақилликнинг ilk йилларидаги журналистик фаолият, ахборот тарқатишдаги қийинчиликлар ва бугунги имкониятлар ҳақида хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Яқунда бир гуруҳ иштирокчилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан рағбатлантирилди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

Халқаро ҳамкорлик

ТАЖРИБА ВА ИЛҒОР ЕЧИМЛАР



тонда ва Ўзбекистонда меҳнат соҳасида юз бераётган қонун бузилишлари ва уларнинг ечими қандай бўлаётганини қиёсий таҳлил қилдик. Икки томон ҳам ўзига яраша хулосалар чиқарди.

– Тўрт кунлик дастур мазмун жиҳатидан ҳам бой ва фойдали бўлди, – дейди Бишкек шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Маликахан Буванова. – Машгулотларда меҳнат муно-

сабатларини тартибга солиш, ижтимоий шериклик тизими, низоларни ҳал этиш механизмларини, рақамли технологияларни касаба уюшмалари фаолиятига жорий этиш, молиявий бошқарув, ахборот сиёсати, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш каби долзарб мавзуларни муҳокама қилдик, қиёсладик. Машгулотлар чоғида фақат аудитория билан чекланиб қолмасдан, «Тошкент трактор заводи» АЖ бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти

фаолияти билан яқиндан танишдик. Шунингдек, Касаба уюшмалари тарихи музейи ва Ислон цивилизацияси маркази бўлди. У ерда умумий ва ўзига хос тарихимиз қандай ёритилганига гувоҳ бўлдик. Мен Тошкентдаги ўзгаришлардан, айниқса, замонавий музейшунослик илми юксак даражада жорий этилганидан ҳайратландим.

Ушбу малака ошириш курсларида меҳмонларга Иркин Умаров, Маҳмуджан Исаев, Камолиддин Исроилов, Нодира Ғоибназарова, Ҳамидулла Пиримкулов каби соҳанинг тажрибали билимдонлари дарс ўтишди. Ўқув курси улар учун янги билим ва кўникмалар манбаи бўлишдан ташқари, Ўзбекистон ва Қирғизистон касаба уюшмалари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган муҳим омилга айланди. Zero, касаба уюшмалари зиммасидаги вазифалар йил сайин долзарблашиб бормоқда. Бундай шароитда халқаро тажрибани ўрганиш, бир-биридан ўрнак олиш ва илғор ечимлардан амалиётда фойдаланиш ҳар икки давлат ишчи-ходимларининг манфаатларини янада яхшироқ ва ишончлироқ ҳимоялашга хизмат қилади.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

2026-yil,
25-iyun,
payshanba
№79
(5299)

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманганга навбатдаги ташрифи вилоят аҳли учун нафақат муҳим сиёсий воқеа, балки кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижаларини сарҳисоб қилиш, янги марраларни белгилаб олиш имконияти ҳам бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, аввалги ташрифлар давомида асосан ҳудуднинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари кун тартибда турган бўлса, бугунги ташрифда ана шу вазифаларнинг амалий натижалари намоён бўлаётганини кўриш мумкин.

Келинг, узоққа бормайлик, сўнгги йилларда Наманганда янги саноат зоналари ташкил этилганини, йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилганини ҳамда минглаб янги иш ўринлари яратилганини эътироф этиш мумкин. Авваллари иқтисодий имкониятлари чекланган, деб баҳоланган қатор ҳудудлар бугун тадбиркорлик ва инвестициялар марказига айланимда. Президентимиз аввалги ташрифларида белгилаб берган вазифалар асосида йўллар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий объектлар ва турар-жойлар қурилиши кенг кўламда амалга оширилди.

Энг муҳими, ўзгаришлар куруқ рақамларда эмас, одамлар ҳаётида намоён бўлмоқда. Янги корхоналар ишга туширилиши туфайли оилалар даромади ошди, ёшлар учун замонавий таълим ва касб-ҳунар имкониятлари кенгайди, маҳаллаларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Илгари фақат режалар ҳақида гапирилган бўлса, бугун уларнинг натижаларини ҳар бир наманганлик ўз ҳаётида ҳис этмоқда.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбарининг жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инновацион лойиҳалар ва замонавий ечимлар билан танишиши Наманганнинг янги тараққиёт босқичига қадам қўяётганини кўрсатади. Бугун вилоят нафақат саноат ва тадбиркорлик, балки маданият, туризм ва халқаро ҳамкорлик соҳаларида ҳам мамлакатнинг етакчи ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида III Халқаро мақом санъати фестивалининг айнан Наманганда ўтказилаётганини кўрсатиш мумкин. Илгари вилоят асосан меҳнаткаш ва тадбиркор инсонлари билан танилган бўлса, бугун у халқаро маданий мулоқот маскани сифатида ҳам дунё эътиборини тортмоқда. Қолаверса, Президентимиз иштирокида ўтган фестивалнинг очилиш маросими миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг юксак нуфузини яна бир бор намоён этди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши жамоаси ушбу ташрифни вилоят тараққиётига берилган юксак баҳо ва келгуси вазифалар учун муҳим дастуриламал, деб билади. Чунки ҳар бир ташриф ортида инсон қадрини улуглаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар муржаасам.

Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбарининг бу сафарги ташрифи давомида рақамлаштиришни кенгайтириш, саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, инвестиция ва экспорт кўрсаткичларини юксалтириш сингари долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ҳамда ичимлик сув тармоқлари, йўллар ва жамоат транспортини яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди.

Дарҳақиқат, бугунги Наманган кечаги Наманган эмас. Бу ўзгаришлар замирида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган оқилона сиёсат, халқ билан мулоқот ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассам. Навбатдаги ташриф эса бу юксалиш йўлининг янги босқичини бошлаб бериши шубҳасиз.

Ҳасанбой ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Наманган вилояти
кенгаши раиси



